



Лицензия АФ № 00782 05.04.2019 йил Молия вазирлиги  
Узбекистон Республикаси, Фарғона вилояти Кукон шаҳар, А.Т.Хукандий 46-«Б» 6-хонадон. ОАТБ «Кишлоқ қурилиш банк»  
х/р 20208000104787194001 МФО: 00630, ИНН 207 001 898. Тел: +99891 150 06 40 e-mail: audit-app@mail.ru

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**Кукон дехкон бозори АЖ раҳбарига**

Манзил: Кукон шаҳар Фуркат кучаси 100 уй

Кукон Алока банк х/р 2020 8000 9002 5478 0001 МФО 01092 ИНН 200 127 935

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK» аудиторлик ташкилоти Кукон шаҳар А.Т.Хукандий 46-«Б» 6-хонадон АТБ «Кишлоқ Қурилиш Банк» х/р 20208000104787194001, МФО 00630, ИНН 207001898, ОКЭД 69202, тел +91 150 06 40

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00782-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 16.06.2009 йилда № 391 –ресстр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) ташкилот аудитори Сулаймонов З томонидан (Аудитор малака сертификати № 05016 14.04.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект **Кукон дехкон бозори АЖ** томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, «Хусусий капитал» Ф-3 ва «Пул оқимлари тўғрисида»ги Ф-4 ҳисобот шаклларида иборат 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини **Мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувдан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувга асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

**Кукон дехкон бозори АЖ** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **Кукон дехкон бозори АЖ** 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги  
«AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK»

ташкилот раҳбари

ташкилот Аудитори

Сана: 29.04.2021 йил



Суяркулов Н.Г

Сулаймонов З.М